



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 9 ноябрь, № 226 (6920) Пайшанба

Сайтнинг ушбу учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ГУБЕРНАТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 ноябрь куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Санкт-Петербург шаҳри губернатори Георгий Полтавченкони қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, жорий йилда бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашувлар ва уларнинг ажасли буйича эришилган келишувлар, жумладан, апрель ойида имзоланган икки мамлакат минтақалари ўртасида ҳамкорлик туғрисида ҳукуматлараро битим Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ва Россия Федерацияси субъектларининг амалий ҳамкорлигини, аввало, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни фаоллаштиришга хизмат қилганини мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Санкт-Петербург шаҳри ўртасидаги аниқ-аниқ яқин ва ўзаро манфаатли муносабатларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Бугунги кунда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 200 миллион долларни ташкил қилмоқда. Санкт-Петербург шаҳри-

да 1 миллионга яқин юртдошимиз меҳнат фаолиятини амалга оширмоқда. Шаҳарнинг етакчи олий ўқув юртларида 3 мингдан зиёд ёшларимиз таълим олмақда.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва етакчи корхоналар ўртасида кооперацияни кенгайтириш учун мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм соҳаларида қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Санкт-Петербург шаҳри губернатори Георгий Полтавченко Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон билан устувор йўналишларда кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Ў.А.

Темир ҚУРБОНОВ  
олгон сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Афғонистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан йўллаган табригиниз мени гоят мамнун этди. Бунинг учун сизга миннатдорлик билдиришга, бутун афғон халқи ва шахсан ўз номидан Сизни ва биродар Ўзбекистон халқини ушбу муҳим сана билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Қадрли биродарим, муҳтарам Ўзбекистон Республикаси Президенти!

Халқларимизнинг тили, дини ва маданияти яқин экани ўзаро дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Афғонистон ва Ўзбекистон Республикаси халқларимиз манфаатига хизмат қиладиган ўзаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш буйича салмоқли қадамлар ташлади. Менинг ва Афғонистон делегацияларининг Ўзбекистонга сўнги сафарлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканимизнинг яққол тасдиғидир. Сизга ва бутун ўзбек халқига ушбу йиллар мобайнида кўрсатилган ёрдам учун ўз миннатдорлигимни билдираман.

Афғонистон мамлакатларимизни янада яқинлаштириш ва иқтисодий таълимни ривожлантиришга хизмат қиладиган қўшма лойиҳалар устида ишлашни давом эттиради.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш йўлидаги саяё-ҳаракатларингиз учун Сизга яна бир бор ташаккур изҳор этаман. Бу ҳамкорлик бундан кейин ҳам фақат кенгайиб бораверишига ишончим комил.

Сўзим охирида Сиз, Жаноби Олийларига яна бир бор мустаҳкам соғлиқ, халқингизга бахт ва фаровонлик тилайман.

Муҳаммад Ашраф ҒАНИ,  
Афғонистон Иқом Республикаси Президенти

### АНЖУМАН

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши буйича Ҳаракатлар стратегиясида инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодий тармоқлари ҳамда ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш буйича аниқ вазифалар белгилан берилган.

## ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ — МАМЛАКАТ РАВНАҚИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан иқтисодий таъминнинг либераллаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш ислохотларининг энг муҳим йўналишларига айланган. Эътиборлиси, бу борадаги принципал ёндашувлар Ўзбекистоннинг инвестициявий жазирасини янада кенгайтирмоқда.

Кеча пойтахтимизда ўтказилган халқаро давра суҳбатда инвестициявий муҳитни такомиллаштириш, бу борада эришилган натижалар ва истиқболдаги устувор йўналишлар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Инвестициялар буйича давлат қўмитаси томонидан БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро пресс-клуб ҳамкорлигида ташкил қилинган тадбирда қайд этилганидек, ўтган қисқа фурсат ичида мамлакатимизда бизнес муҳитини яхшилаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш буйича қатор қонунлар, Президентимизнинг 20 дан ортиқ Фармони ва 35 дан зиёд қарори қабул қилинди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси ҳамда ушбу фаолиятни ривожлантиришни мольвий қўллаб-қувватлаш чоралари қучайтирилди.

(Давоми 2-бетда). ⇨

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда электр ва газ таъминоти тизимини изчил модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш, энергия тежамкорлик асослари ва етказиб берилган электр энергияси ва табиий газ учун ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда.

Амалга ошириладиган тадбирлар барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсиш, ишчанлик фаоллиги ва мамлакатнинг инвестициявий жазирасини яхшилашга қўшма ҳисса қўлади ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлган энергетика тармоғини ривожлантиришга қаратилган.

Шу билан бирга, истеъмолчилар тоифасини инобатга олган ҳолда етказиб бериладиган энергия ресурслари қийматини аниқлашда табақалаштирилган ёндашлишнинг мавжуд эмаслиги улардан нооқилона фойдаланишга олиб келмоқда, энергия тежамкор технологиялар ва муқобил энергия манбаларини жорий этишни рағбатлантирмапти.

Шаҳарсозлик соҳасидаги амалдаги норма ва қоидалар объектининг энергия самардорлигини таъминловчи замонавий талабларга жавоб бермайди. Шунингдек, бинолар ва иншоотларнинг қурилиши ва реконструкция қилинишида энергия тежамкор материаллар ва технологияларни қўллашга етарли эътиборнинг мавжуд эмаслиги ҳам энергия ресурсларининг ортиқча сарф қилинишига олиб келмоқда.

Электр ва газ таъминоти тизимини янада такомиллаштириш, бозор механизмларини кенг жорий қилиш орқали энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳада кўрсатилган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида:

1. "Уздавэнергогазорат" ДИ, "Уздавэнергогазорат" ДИ, "Узтрансгаз" АЖ ва "Ўзбекэнерго" АЖнинг фаолиятини қониқсиз деб топилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Узтрансгаз" АЖ, "Уздавэнергогазорат" ДИ, "Уздавэнергогазорат" ДИ ва "Энергия тежаш миллий компанияси" АЖнинг қуйидаги тартибни белгилаш ҳақидаги қарорлари қабул қилинсин:

а) 2018 йил 1 январдан иловага мувофиқ рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар электр энергияси (750 кВАгача бўлган қувватга уланган) ва табиий газ учун ўловларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ўрнатилган ўсиб борувчи коэффициентлар ва тарифларга мувофиқ амалга оширадilar;

(Давоми 2-бетда). ⇨

## Георгий Полтавченко: ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИМИЗ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГ

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамлашиб бормоқда. Олий даражада эришилган келишувлар барча соҳадаги ҳамкорликни янги босқичга кўтармоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил апрель ойида Россияга давлат ташрифи доирасида имзоланган ҳукуматлараро битимга мувофиқ икки мамлакат ҳудудлари ўртасида алоқалар жадал ривожланимоқда.

Санкт-Петербург шаҳри губернатори Георгий Полтавченко мамлакатимизга ташрифи доирасида ўтказилган учрашувлар ҳақида ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёев билан учрашув жуда самарали бўлди. Унда Ўзбекистон билан Санкт-Петербург ўртасидаги савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка доир кенг кўламли масалалар муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий алоқаларда имкониятлар кенг. Масалан, Ўзбекистонга Санкт-Петербургдаги Киров заводида ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб беришимиз мумкин. Санкт-Петербургда экологик тоза, сифатли

озиқ-овқат маҳсулотларига талаб юқори. Ўзбекистон шундай маҳсулотларга бой. Делегациямиз таркибида озиқ-овқат саноати ва савдосига ихтисослаштирилган қўллаб-қувватловчи вакиллар келган. Бу борада йўлга қўйилган тизим асосидан мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари олишни кўпайтиришдан манфаатдоримиз.

(Давоми 2-бетда). ⇨

## ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри вице-губернаторлари О. Марков ва А. Митянина бошчилигидаги делегация Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Меҳмонлар Ҳазрати Хизр мажмуасида бўлиб, Биринчи Президентимиз Исроҳ Каримов қабрини зiyorат қилди.

Самарқанд вилояти ҳокими вазифининг бажарувчиси Т. Жўраев билан учрашувда Ўзбекистон ва Россия ўртасида барча соҳада ҳамкорлик алоқа-

лари жадал ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил апрель ойида Россия Федерациясига давлат ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, туризм соҳаларида ҳамкорликни янада ривож-

лантириш истиқболлари муҳокама этилиб, муҳим келишувларга эришилди.

— Самарқанд ва Санкт-Петербург шаҳарлари ўртасидаги дўстона алоқалар қарий ўч асрлик тарихга эга, — дейди Санкт-Петербург шаҳри вице-губернатори А. Митянина. — Лекин туризм йўналишидаги ҳамкорлигимиз икки томоннинг ҳам имконияти ва салоҳияти даражасида эмас.

(Давоми 2-бетда). ⇨

## Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес форуми

Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес форуми ҳамда икки давлат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржаси бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирлар Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес федерацияси раиси ўринбосари Ли Хонг Ву раҳбарлигидаги ишбилармон доиралар делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида ташкил этилди.

Форумда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А. Ибраҳимов, Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес федерацияси раиси ўринбосари Ли Хонг Ву ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, савдо-саноат вакиллик тобора ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидладилар.

(Давоми 3-бетда). ⇨

## РАҚАМЛИ ДИПЛОМАТИЯ

Давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлашда янгиликлар қўллаш ҳаётга татбиқ этилаёпти.

Бугун дунёда кечайтган глобаллашув жараёнида мамлакатни истиқболда тараққиёт топтириш жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, интернет-сервислар ҳамда "мулоқот концепцияси" ёндашуви билан самарали фойдаланишни талаб қилмоқда. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши буйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдир этишнинг замонавий шакллари жорий қилиш зарурати белгиланган.

### ТАҲЛИЛ

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги 114 та давлат органи ўз электрон порталига эга. Уларнинг 79 фоизида мобил версияси ҳам мавжудлиги аҳоли учун қўшимча қулайликлар туғдирамоқда. Бундан ташқари, вазирлик ва идо-

ралар расмий веб-сайтларида улар фаолияти ҳақида долзарб янгиликлардан хабардор бўлиш учун электрон обуна тизими жорий этилган.

Сўнги вақтларда давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фао-

лиятининг очиқлигини такомиллаштириш буйича аниқ чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу чоралар давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотнинг янги ёндашув ҳамда усуллари татиқ бўлиш имконини бераётди.

Биринчи ёндашув — давлат органларининг виртуал қабулхоналари бўлиб, у жамоатчилик билан онлайн-мулоқот ўрнатишнинг ўзига хос трендида айланган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил сентябрь ойида ишга туширилган Виртуал қабулхонаси (pm.gov.uz) давлат органларининг халқ билан мулоқотини йўлга қўйишнинг янги шаклларига йўл очди.

(Давоми 3-бетда). ⇨

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

## ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ҲОЎДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).⟩

750 кВ ва ундан юқори бўлган қувватта уланган (бюджет ташкилотлари, фермер ҳўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштирилган насос станциялари бундан мустасно) истеъмолчилар электр энергияси учун ҳисоб-китобларни иккинчи гуруҳ тарифлар бўйича тўловларни амалга оширадиган юридик шахслар учун тариф миқдорини белгиланадиган сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширилади.

Бунда ягона электр энергетика тизимининг энг катта юқламали соатларида (тигиз пайт — белгиланган тартибда ўрнатилган эртабаки ва кечки “энг катта миқдор”) фойдаланилган электр энергияси учун тўловлар белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффицентни қўллаш орқали, энг кам юқламали соатларда эса (тунигиз пайт — сутканинг қоронғи вақти) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камаювчи коэффицентни қўллаш орқали ва яримтигиз пайтда (сутканинг ёруғ вақти) ўрнатилган тариф бўйича амалга оширилади;

давлат органлари ва муассасаларининг бино ва ишоотлари, шунингдек, қўп квартиралли уй-ҳой фондини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, қуриш ва фойдаланишга топширишда уларда энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланилганлиги юзасидан шаҳарсозлик нормалари ва қондаларига мувофиқлиги тегишли;

якка тартибдаги уй-ҳой қурилишидан ташқари, барча бино ва ишоотларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш ва қуришда, иссиқ сув таъминоти учун сертифициланган қуёш сув иситкич қурилмаларини, шунингдек, энергия тежамкор лампаларни мажбурий тартибда ўрнатилган кўзда тутилади;

### б) давлат органлари ва ташкилотлари 2022 йил 1 январдан:

уларнинг балансидан бўлган бино ва ишоотларда иссиқ сув таъминоти учун фақат сертифициланган қуёш сув иситкич қурилмалари, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ички ёритиш энергия тежамкор лампалардан фойдаланишни шарт;

марказлаштирилган иссиқ сув таъминотидан узиб қўйлади.

3. “Энергия тежаш миллий компанияси” АЖ:  
а) Ўзбекистон Республикаси Уй-ҳой коммунал хизмат

қўратиш вазирилик, “Ўзбекэнерго” АЖ ва бошқа идоралар билан биргаликда уч ой муддатда давлат органлари ва ташкилотлари бино ва ишоотларида қуёш сув иситкич қурилмалари ва маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар асосида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергия тежамкор лампаларни ўрнатиш босқичларини, шунингдек, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар асосида иссиқлик ва электр энергия истеъмоли ҳажмини инобатга олган ҳолда, мазкур маҳсулотни аниқ етказиб берувчиларини белгилаш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Маҳкамасига киритсин.

Давлат органлари ва ташкилотлари икки ҳафта муддатда қуёш сув иситкич қурилмалари ва энергия тежамкор лампаларни жорий қилиш ҳолатлари, иссиқлик ва электр энергия истеъмоли ҳажми, кадастр ҳужжатларини илова қилган ҳолда улар томонидан эғаллаб турилган майдонлар ўлчами ҳақидаги техник маълумотларни ва худуднинг муҳандислик коммуникациялари акс этган режасини “Энергия тежаш миллий компанияси” АЖга тақдим этишини таъминласин;

б) “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, бошқа манфаатдор вазирилик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилик Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, иссиқлик ва электр энергияси, шунингдек, биогаз ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хусусий корхоналар билан биргаликда уч ой муддатда:

иссиқлик ва электр энергияси, шунингдек, биогаз ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга тўғридан-тўғри етказиб бериш билан шуғулланувчи корхоналар томонидан “Ўзбекэнерго” АЖнинг тармоқлари ва “Ўзтрансгаз” АЖнинг газ тақсимлаш тармоқларидан фойдаланмаган ҳолда, иссиқлик ва электр энергияси ҳамда биогазни реализация қилиш тартибини ишлаб чиқсин;

иссиқлик ва электр энергияси, шунингдек, биогаз ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хусусий корхоналар томонидан реализация қилинадиган иссиқлик ва электр энергияси ҳамда биогазга тижорат нархларини белгилаш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Маҳкамасига киритсин.

4. Белгиланган, шаҳарсозлик нормалари ва қондалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазириликда давлат рўйхатидан ўтказилиши, энергия самарадор ва энергия тежамкор технологияларни қўллаш борасида эса “Энергия тежаш миллий компанияси” АЖ билан ҳам мажбурий тартибда келишилиши шарт.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва

курулиш қўмитаси Адлия вазирилик, Молия вазирилик, “Энергия тежаш миллий компанияси” АЖ ҳамда бошқа манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда бино ва ишоотларни энергетик аудитдан ўтказиш, белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қондаларига мувофиқлик паспортини ёки тегишли нормалардан ортти кетганлик ҳолатини бартараф этиш зарурлиги тўғрисида ҳулоса бериш, шунингдек, уларнинг энергия самарадорлиги тоифасини аниқлаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Маҳкамасига киритсин;

2018 йил 1 мартга қадар муддатда амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қондаларини уларнинг қайта қўриб чиқилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаган ҳолда, танқидий ўрганиб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирилик “Ўзэлтханао” АЖ, “Энергия тежаш миллий компанияси” АЖ, “Ўзбекэнерго” АЖ, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда энергия тежамкор лампалар ишлаб чиқарилишининг маҳаллийлаштирилишини кенгайтириш ҳамда уларни турар ва нотураржойларда босқичма-босқич жорий этиш бўйича комплекс дастур лойиҳасини Вазирилик Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Уй-ҳой коммунал хизмат қўрсатиш вазирилик Иқтисодиёт вазирилик, Молия вазирилик, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, “Энергия тежаш миллий компанияси” АЖ, бошқа манфаатдор вазирилик ва идоралар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилик Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йил 1 январга қадар муддатда давлат органлари ва муассасаларининг бино ҳамда ишоотлари, шунингдек, қўп квартиралли уй-ҳой фондини энергетик аудитдан ўтказиш дастури лойиҳасини Вазирилик Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилик Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, “Ўзбекэнерго” АЖ ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 февралга қадар муддатда фермер ҳўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг мавжуд насос станцияларини уларнинг техник ҳолати, қуввати, балансда сақловчисини аниқлаш, фермер ҳўжаликлари ер участкаларида электр энергияси ва сув сарфи

самарадорлиги нуқтаи назаридан, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари турлари ва республика туманлари кесимида насос станциялари билан сўғориладиган ер майдонлари, паст самарали ва энергия қўп сарфлайдиган насосларнинг мавжудлиги, электр энергиясини ҳисоблаш ускуналари, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари билан шартномаларнинг мавжудлигини инвентаризациядан ўтказсин.

Инвентаризация якунига қўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик ҳамда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилик “Ўзбекэнерго” АЖ, Вазирилик Маҳкамаси ҳўзуридаги Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари давлат хариди ва қишлоқ ҳўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар муддатда насос станцияларидан фойдаланиш билан боғлиқ эксплуатация қилувчи ташкилотларни, молиялаштиришнинг аниқ манбаларини аниқлаш бўйича тақлифларни Вазирилик Маҳкамасига киритсин.

### 9. “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АЖ:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилик билан биргаликда 2018 йил 1 июлга қадар муддатда бухгалтерлик, молиявий, ишлаб чиқариш ва бошқарув ҳисобини автоматлаштириш бўйича дастурий комплексларни ўз ичига олган бошқарувнинг ягона ахборот тизимини ишлаб чиқсин ва идоравий бўйсунувдаги корхоналарда жорий этсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиоканьясини, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилик Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг йритилишини ташкил қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик бошқа манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қорун ҳўжатларидаги ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирилик Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2017 йил 8 ноябрь

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ҲОЎДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА” ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ёқилғи-энергетика комплексини модернизация қилиш ва технология қайта жиҳозлаш, электр энергияси ва табиий газдан оқилон фойдаланишга ўтиш мамлакатда амалга ошириладиган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар муваффақиятини гарови ҳисобланади.

Шу билан бирга, энергетик сектордаги ишларнинг ҳақиқий аҳволи энергия тежамкор технологиялар етарли даражада жорий этилмайётгани ва амалдаги шаҳарсозлик нормалари ҳамда қондалари муқаммал эмаслигидан ҳаллоқ беради.

Давлат раҳбари томонидан қабул қилинган “Энергия ресурсларидан оқилон фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарор мамлакат миқёсида энергия тежамкор услублар ва технологияларни жорий қилишда муҳим қадам бўлди.

Хусусан, 2018 йил 1 январдан бошлаб энергия ресурсларидан оқилон фойдаланишни рағбатлантирувчи бир қатор механизмлар жорий қилинмоқда.

Шу жумладан, пишган гишт, гипс, цемент ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, шунингдек, муайян хизматлар қўрсатувчи (ресторанлар, кафе-бар ва б.) истеъмолчи уланган қуввати 750 кВ бўлган электр

энергияси ва табиий газ учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Маҳкамасининг қарорлари билан ўрнатилган ўсиб боровчи коэффицентлар ва тарифларга мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Уланган қуввати 750 кВ ва ундан юқори бўлган истеъмолчилар электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади. Мазкур тартиб бюджет ташкилотлари, фермер ҳўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштирилган насос станцияларига нисбатан татбиқ этилмади.

Республиканинг электр таъминоти тизимига юқламани тенглаштириш мақсадида электр энергиядан фойдаланилган учун тўловларнинг қўлай тарифлари жорий қилинмоқда.

Жумладан, тигиз пайт — эртабаки ва кечки вақтда (белгиланган тартибда ўрнатилди) фойдаланилган электр энергияси учун тўловлар белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффицентни қўллаш орқали амалга оширилади. Энг кам юқламали соатларда, яъни тунги пайтда белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда

камаювчи коэффицентдан фойдаланилади. Бунда белгиланган тариф яримтигиз пайтда, яъни сутканинг ёруғ вақтида электр энергия таъминотига тўловлар учун сақланиб қолади.

Давлат органлари ва муассасаларининг бино ва ишоотлари, шунингдек, қўп квартиралли уй-ҳой фондини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, қуриш ва фойдаланишга топширишда уларда энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланилганлиги юзасидан шаҳарсозлик нормалари ва қондаларига мувофиқлигини тегишли талаби жорий қилиниши илгор чора-тадбирлардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, якка тартибдаги уй-ҳой қурилишидан ташқари, барча бино ва ишоотларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш ва қуришда, иссиқ сув таъминоти учун сертифициланган қуёш сув иситкич қурилмалари, шунингдек, энергия тежамкор лампалар мажбурий тартибда ўрнатилди.

Шу билан бир қаторда, 2022 йил 1 январдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотларини иссиқ сув таъминотидан узиб қўйиш назарда тутилмоқда. Энергия ресурсларидан оқилон фойдаланишни таъминлаш мақсадида улар иссиқ сув таъминоти учун сертифициланган қуёш сув

иситкич қурилмаларидан, шунингдек, ички ёритиш учун мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергия тежамкор лампалардан фойдаланиш шарт бўлади.

Шуни инобатга олган ҳолда, давлат органлари ва ташкилотлари бино ва ишоотларида қуёш сув иситкич қурилмалари ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар асосида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергия тежамкор лампаларни ўрнатиш босқичларини белгилаш тўғрисида топшириқ берилмоқда.

Шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва энергия тежамкор лампаларни турар ва нотураржойларда босқичма-босқич жорий этиш бўйича комплекс дастур қабул қилинади.

Дастваки ҳисоб-китобларга қўра, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан иссиқ сув таъминоти учун қуёш сув иситкич қурилмаларининг жорий этилиши ва фойдаланилиши натижасида иситилмайдиган даврда (апрель — октябрь) иситиш станциялари томонидан табиий газ истеъмоли ҳажми деярли 10 миллион куб метр ёки 2,5 миллиард сўмга қисқаради.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда 35 та биогаз ишлаб чиқарувчилар, 10 та қуёш электр энергияси етказиб берувчилар ва

микробиоэлектр станциялардан электр энергияси ишлаб чиқарувчи 5 та корхонанинг имкониятини тўлаб очиб берилмоқда.

Шу муносабат билан, қарорда, муқобил энергия манбаларини жорий этиш юзасидан тадбиркорлик фаолиятини самарали рағбатлантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосларни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилди.

Бундан ташқари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган 300 дан ортиқ шаҳарсозлик нормалари ва қондалари бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Шуни инобатга олиб, қарорда шаҳарсозлик нормалари ва қондалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазириликдан давлат рўйхатидан ўтказилиши, энергия самарадор ва энергия тежамкор технологияларни қўллаш борасида “Энергия тежаш миллий компанияси” АЖ билан келишилиши назарда тутилмоқда.

Давлат раҳбарининг мазкур қарори, шубҳасиз, Ўзбекистонда замонавий энергия самарадор ва энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш бўйича фаолиятни жалдлаштиришга хизмат қилади, энергия ресурсларидан оқилон фойдаланилишини таъминлайди.

## Георгий Полтавченко: ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИМИЗ ИМКОНИАТЛАРИ КЕНГ

⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).⟩

Ўзбекистонда фармацевтика тармоғини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шаҳримизда бу соҳада яхши салоҳият мавжуд. Бу борадаги ҳамкорликни кенгайтириш, дори воситалари ва табиий техникалар ишлаб чиқариш бўйича қўша корхоналар ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Уй-ҳой, коммунал хўжалиги, жамоат транспорти, аҳолига хизмат қўрсатишни автоматлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

**ЎЗАМУХБИРИ А. САМАДОВ Ёзиб олди.**

## ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).⟩

Шу боис учрашувда айни масалалар бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид фикрларимиз муштарак бўлди. Шунингдек, Самарқанддан Санкт-Петербургга бориб меҳнат қилаётган мигрантларга муносиб иш ва турмуш шартини яратиш юзасидан фикрлашиб олдик.

Россиялик меҳмонлар Самарқанд шаҳрида фаолият

